

«Искандар Зул-қарнайн қурдирган девор қиёматдан олдин чиқади» дейишади.

20:04 / 27.04.2016 3724

САВОЛ: Қуръонда «Искандар Зул-қарнайн қурдирган девор қиёматдан олдин чиқади» дейишади. Ўша девор қаерда? Буни ҳозир билиш мумкинми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аввало Қуръондаги девор-«сад», яъни «тўғон» қурган инсон Зулқарнайн экани айтилган, лекин Искандар деган сўз йўқ бу ерда, бу адабиётда, яъни адиблар ёзган қиссаларда ўша амални қилган одамни Искандар дейиш одати бўлган. Зулқарнайн деворни қурган, қурдирган эмас. Уни қуриш чоғида ўша ерда яшайдиган мусулмонлардан ҳашарга чақириб, ёрдам сўраган. Ўша девор қиёматдан олдин чиқади, деган гапга келсак, девор қиёматдан олдин чиқмайди, балки ўша сад, яъни тўғонни Зулқарнайн Аллоҳнинг амри билан Яъжуж-Маъжуж деб аталган ўта бузғунчи жонзотларнинг йўлини тўсиш учун қуриб қўйган. Ана ўша Яъжуж-Маъжужни дунёга тарқалишдан мазкур тўғон тўсиб туради. Қиёмат қоим бўлиши яқинлашганда унинг аломатларидан биттаси Яъжуж-Маъжужлар ўша девор-тўғонни бузиб ер юзига тарқалишади. Девор ўзи чиқ-майди. Девор машриқ тарафда экани Қуръонда зикр қилинган, лекин ўша машриқнинг қаерида, қайси ўлкасида-ю, қайси кенгликда, бу ҳақда маълумот йўқ. Буни одамлар шунақа нарса бор экан, тўғон бор экан, деган гаплардан хулоса қилиб, ҳар хил тахминларни айтганлар, жумладан буюк Хитой деворини ўша нарса деган хаёлга бориб қолганлар ҳам бор, лекин булар тўғри эмас. Тўғоннинг қаердалигини, ҳажмини, қачон бузилиб унинг ортидан Яъжуж-Маъжужлар чиқишини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Иккинчидан бундай нарсаларни қидириб топиб аниқлашни Аллоҳ таоло бизга амр қилмаган, балки бу нарса тўғрисида Қуръонда келган ҳақиқатни билишнинг ўзи билан кифоялансак яхши бўлади. Валлоҳу аълам.